# « Чорсу Буюм Савдо Комплекси » МЧЖнинг

2020 йил 01 январдан 31 декабригача
бўлган даврдаги молиявий ҳисоботи ва у билан боғлиқ
бошқа молиявий маълумоти ҳақиқийлиги ва Ўзбекистон
Республикаси бухгалтерия ҳисоби қонун ҳужжатларига
мувофиқлиги юзасидан ўтказилган мустақил аудиторлик
текшируви натижалари бўйича

## «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти

томонидан тайёрланган

# АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

2021 йил 27 мартдаги 21-073-сонли
шартномага асосан бажарилган

# «Чорсу Буюм Савдо Комплекси» АЖ нинг

2020 йил 01 январдан 31 декабргача булган даврдаги молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлари юзасидан ўтказилган мустақил аудиторлик текшируви натижалари бўйича

# АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

***«Чорсу Буюм Савдо Комплекси» АЖ***
***раҳбариятига***
***манзил:***
***100002 Тошкент шаҳар***
***Шайхонтахур тумани Зарқайнар.***
***Телефон: 244-82-78***

***Аудиторлик тошкилоти***
***МЧЖ «FTF-LEA-AUDIT» дан***

Тошкент шаҳар 13 апрель 2021 йил.

## КИРИШ ҚИСМИ

| | |
|---|---|
| ***Аудиторлик ташкилоти номи*** | Масъулияти чекланган жамият шаклидаги аудиторлик ташкилоти «FTF-LEA-AUDIT» |
| ***Юридик ва почта манзили*** | Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор массиви, 8/1 уй, 2 йўлак. |
| ***Давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақида гувохнома*** | Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги гувохномаси № 663 сон билан 2016 йил 17 августда берилган. (аввал 2001 йил 31 июлда № 663 сон билан рўйхатга олинган) |
| ***Аудиторлик лицензияси*** | Барча турдаги хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш хуқуқини берувчи 2019 йил 01 апрелда берилган АФ № 00747 сонли лицензия |
| ***Банк реквизитлари*** | Ҳисоб китоб счети: 20208 000 104 132 780 001,<br>в ЦОРФ «Узпромстройбанка», Тошкент ш.<br>Банк коди: 00442, СТИР: 203 677 795, ОКЭД: 69202 |
| ***Аудиторлик ташкилотининг Бош директори*** | Файзиева Мухайё Тоиржоновна. 2008 йил 18 декабрда берилган № 04490 сонли аудитор малака серитификати (муддати 2022 йил 18 декабргача узайтирилган) |
| ***Аудитор*** | Бердиев Феруз Володяевич, 2013 йил 12 октябрда берилган № 05160 сонли аудитор малака серитификати (муддати 2023 йи 12-октябргача узайтирилган) |
| ***Аудиторлик текшируви учун асос*** | 2021 йил 27 мартда тузилган № 21-073 сонли аудиторлик хизмати кўрсатиш шартномаси |

«Чорсу Буюм Савдо Комплекси» АЖда аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги" қонунига асосан мажбурий аудиторлик текшируви тарзида ўтказилди.

Аудиторлик текширувининг мақсади Жамиятнинг 2020 йилги молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлари тўғрисида аудитор фикрини шакллантириш ҳисобланади. Аудиторнинг фикри тақдим қилинган молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлар бўйича ёзма аудиторлик хулосаси кўринишида баён қилинади. Аудитор Жамият томонидан тақдим қилинган молиявий ва у билан боғлиқ бошқа хисоботлар бўйича баён қилган ўз фикри учун жавобгар ҳисобланади, тақдим қилинган ҳисобот ва унинг мазмуни учун Жамият рахбарияти жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви жараёни ички назорат тизимини тест қилиш ва аудиторлик амалларининг бажариш орқали аудиторлик далилларини йиғиб олишни ўз ичига олади. Жамият рахбарияти томонидан тақдим қилинган молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлари аудитор томонидан танлама усулда тестдан ўтказилади ва аудитор МЧЖ «FTF-AUDIT» ички стандартларига мувофиқ аниқланган аудиторлик таваккалчилиги доирасида жавобгар ҳисобланади. «Мухимлик ва аудиторлик таваккалчилиги» 9 сон АФМСида мухимлик даражасининг маълум бир чегаравий катталиги белгиланмаганлиги сабабли мухимлик даражасини аудиторнинг ўзи мустақил равишда белгилаш ҳуқуқига эга. Молиявий ва у билан боғлиқ бошқа ҳисоботлардаги маълумотларнинг мухимлик даражаси 2020 – йил учун йиллик маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади. Аудитор мухимлик даражасини белгилашда қўйидаги принципларга амал қилиши лозим:

- Молиявий ҳисоботлардаги умумий хатоликлар тегишли базага нисбатан 5% дан юқори бўлса муҳим, 1% дан кам бўлса муҳим бўлмаган хатолик сифатида қаралади. Аудиторлар профессионал мулохазаларига таяниб муҳимликни 1% дан 5% оралиқда баҳолайдилар.

Тегишли баъзани танлаш учун қуйидаги ҳисоб китобларга асосланилди:

| Параметрлар | 2020 йил бошига минг.сум | 2020 йил охирига минг.сум | Кўрсаткичларнинг ўртача киймати | Мезон,% | Муҳимликни баҳоловчи кийматлар |
|---|---|---|---|---|---|
| Солиқ тўлагунга қадар фойда | *1 450 682,70* | *765 157,00* | *1 107 919,85* | *5* | *55 395,99* |
| 2020 йил даромад суммаси | *3 003 710,00* | *2 939 754,00* | *2 971 732,00* | *1* | *29 717,32* |
| Хусусий капитал | *2 580 274,90* | *3 192 400,10* | *2 886 337,50* | *2* | *57 726,75* |
| Активлар суммаси | *3 036 224,00* | *4 077 946,50* | *3 557 085,25* | *2* | *71 141,705* |
| Муҳимлик даражаси | *213 981,77/4=53 495,44* | | | | *213 981,77* |

Жамиятнинг молиявий ва бошқа ҳисоботларида акс эттирилган маълумотларнинг муҳимлик даражаси ***53 495,44*** минг сумга тенг.

Аудит дастурига асосан аудит учун текширувнинг муҳим соҳалари аниқлаштирилди. Жамият молиявий ҳисоботлари миқдорий тахлили қилинди ва баланс суммасига нисбатан муҳим қийматга эга бўлган баланс қаторлари аниқланди. Танланган баланс қаторларига нисбатан аудиторлик русум қоидалари ўтказилди. Баланснинг бошқа қаторлари таҳлилий тадбирлар асосида текширилди. Аудиторлик хулосасини шакллантириш усун асос буладиган маълумотлар етарлилигини таъминлаш мақсадида аудиторлик далиллари тўпланди. Аудиторлик далилларини олиш учун бухгалтерия дастлабки ҳужжатлари, ҳисобот моддалари асосида ётувчи ҳисоб маълумотлари ва бошқа манбаа маълумотларидан фойдаланилди. Аудиторлик далиллари қуйидаги аудит тадбирларини қўллаш орқали олинди:

- Бир қанча бухгалтерия праводкаларининг мазмуни ва классификациясини аниқлаштириш учун бухгалтерия счетларининг жамланма ҳисоб айланмалари таҳлили;

- Бухгалтерия баланси, айланма – қолдиқ ведомости ва дастлабки ҳужжатларнинг ҳисоб регистрлари маълумотлари мослиги таҳлили;
- Бухгалтерия ҳужжатларини шакллантириш ва ҳисобнинг алоҳида маълумотлари ўзаро боғлиқлиги таҳлили;
- Рахбарият буйруклари, шартнома ва хатлар тахлили;
- Ташкилот ходимлари билан хизмат вазифалари бўйича зиммаларига юклатилган ишлар мазмунининг тушуниш даражаларини баҳолаш учун ўтказилган сўровлар;
- Молиявий ҳисоботлар ва ҳисоб регистрлари маълумотлари орасидаги ўзаро боғланишлар ва мослик таҳлили;

Мавжуд бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимини баҳолаш.

Аудиторлик хулосасини баён қилишга аудиторлик ҳисоботи асос бўлади. «Аудиторлик хисобот ва аудиторлик хулосаси» № 70 сон АФМС ига мувофиқ аудиторлик ҳисоботида қуйидагилар очиб берилади:

- ***Ички назорат тизимини текшириш натижалари (батафсил ёритилиши керак);***
- ***Бухгалтерия ҳисоби ахволини текшириш натижалари;***
- ***Активлар сақланишини текшириш якунлари;***
- ***Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китобни текшириш якунлари;***
- ***Молия хўжалик фаолияти давомида меъёрий-хукукий хужжатларга риоя қилинишини текшириш якунлари.***

Ҳисоботни баён қилишда текшириш давомида аудиторлар томонидан аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларни тугатиш бўйича тавсиялар келтирилади.

Жамият фаолиятининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бошқарув ва ҳисобнинг амалдаги меъёрий хужжатларини эътиборга олган холда аудитор томонидан аудиторлик текширувини ўтказиш дастури тайёрланди.

Аудит ўтказиш жараёнида маълумотларнинг қуйидаги манбаларидан фойдаланилди:

- Жамиятнинг молиявий ҳисоботи;
- Бош журнал, оборот-сальдо ведомостлари, бирламчи бухгалтерия хужжатлари, корхона бўйича буйруқ ва фармойишлар;
- Мехнат жамоаси йиғилиши баённомалари, қарорлар, бошқа молиявий ва бошқа хужжатлар;
- Жамият ходимларининг маълумотлари;
- Маълумотларнинг бошқа манбалари.

Аудит қуйидаги тадбирлардан фойдаланган ҳолда танлама усулида ўтказилди:

- Қайта ҳисоб-китоб;
- Кўриб чиқиш;
- Хужжатларни текшириш;
- Оғзаки сўров ўтказиш;
- Таҳлилий тадбирлар.

Аудит қуйидаги меъёрий хужжатлар талабларига мос равишда ўтказилди:

- Ўзбекистан Республикаси Аудиторлик Фаолияти Миллий Стандартлари:
- Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартлари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси;
- Юридик шахсларни соликка тортиш бўйича амалдаги меъёрий хужжатлар;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи амалдаги бошқа меъёрий хужжатлар.

**«Чорсу Буюм Савдо Комплекси» АЖ тавсифи:**

«Чорсу Буюм Савдо Комплекси» АЖ таъсис қилиниши Зарқайнар кўчасида савдо расталарини қайта ташкил этиш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.03.1996 йилдаги “Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шахар Савдо Департаментининг 09.11.1998 йилдаги № 66 сонли буйруғи ва акциадорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан амалга оширилган.

Жамият устави 2012 йил 26 апрелда № 004783-09 реестр рақами билан Тошкент шахар Шайхонтохур туман ҳокимияти қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида рўйхатга олинган.

Жамият уставидаги кейинги ўзгаришлар 2014 йил 27 августда № 004783-09 реестр рақами билан Тошкент шахар Шайхонтохур туман ҳокимияти қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонун талабларини бажариш мақсадида янги тахрирда тасдиқланди.

Жамият таъсисчилари Тошкент шахар ҳокимияти ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслардир.

Жойлаштирилган акциялар:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар ҳокимияти | 96,69 % | 628 500 д. | 1 005 600 000 |
| «Тошбозортайёрловсавдо» АЖ | 0,33 % | 2 150 д. | 3 440 000 |
| Тошкент К/Х мах-тлари Ул.Бозор | 2,15 % | 14 000 д. | 22 400 000 |
| Еркин савдо ва мехнат жамоаси | 0,82 % | 5 350 д. | 8 560 000 |
| Жами: | 100 % | 650 000 д. | 1 040 000 000 |

Жамият молиявий ҳисоботлари 2014 йил 27 августда № 3386 сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш Гувоҳнома”сида берилган хос рақамлар билан расмийлаштирилади:

*Жадвал 2*

| | | | |
|---|---|---|---|
| ТХШ (КОПФ) | 1153 | Ташкилий – ҳуқуқий шакли | Акционерлик жамияти |
| КТУТ (ОКПО) | 17161701 | Юридик шахс коди | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| ИФУТ (ОКЭД) | 83200 | Тармоқ коди | Нотураржой биноларини бошқариш ва ижарага бериш |
| СТИР (ИНН) | 202707084 | Солик тўловчининг идентификацион рақами | Шайхонтахур тумани ДСИ |
| МШТ (КФС) | 144 | Мулкчилик шакли | Акционерлик жамияти мулки |
| МХОБТ (СОАТО) | 1726277 | Почта манзили | Шайхонтахур тумани |

Жамият уставида белгиланган мақсад ва вазифаларини амалга ошириши учун зарур булган бошқарув ва хизмат кўрсатиш структураларига эга.

Жамият Тошкент шахар Шайхонтахур тумани ДСИ да рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунига биноан Жамият мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган даврда Жамиятда биринчи ва иккинчи даражали имзо ҳуқуқида қуйидаги шахслар ишлаган:

1. *Нигмаджанов Махмуджон Махамадалиевич – директор вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига 2019 йил 33 майдаги №21 сонли буйруққа асосан тайинланган ва хозирги кунгача ишлаб келмоқда.*
2. *Эшанкулов Умид Абдувахабович – 2019 йил 1 июнда 45 сонли буйруққа асосан Бош бухгалтер лавозимига ишга қабул қилинган.*
3. *Эшанкулов Умид Абдувахабович – 2020 йил 1 декабрдаги 33 сонли буйруққа асосан Бош бухгалтер лавозимидан озод этилган.*
4. *Адилбекова Мадина Киясбекова – 20120 йил 1 декабрдан 34 сонли буйруққа асосан Бош бухгалтер лавозимига икки ойлик синов муддати билан ишга қабул қилинган.*

Жамият 2020 йил давомида Узбекистон Республикаси солиқ кодексига мувофиқ умум белгиланган солиқ тизимида бўлди ҳамда қуйидаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўловчиси сифатида фаолият юритди:

- қўшилган қиймат солиғи;
- фойда солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ижтимоий солиқ.

## ТАХЛИЛИЙ ҚИСМ

## I. ИЧКИ НАЗОРАТ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

Хар бир Жамиятнинг ички назорат тизими ўз ичига Жамият раҳбарияти томонидан қабул қилинган ва Жамиятнинг меъёрий тартибга солинган, самарали хўжалик фаолиятини таъминловчи ташкилий характерга эга тадбирлар ва услубиётлардан иборат.

Жамиятнинг ички назорат тизими Жамиятда қуйидаги талабларни бажариб борилишини таъминлаш учун мўлжалланган:

-- Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талабларини бажариб борилиши.

-- Бухгалтерия ҳисобини олиб борилишини аниқлилиги ва тўлалиги;

-- Бухгалтерия ҳисобини олиб борилишида хатоликларга йўл қўймаслик;

-- Буйруқлар фармойишларнинг бажарилиши;

-- Активларнинг тўлиқ сақланишини таъминлаш;

Ички назорат тизими ўз ичига қуйидагиларни олади:

-- Бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тизими;

-- Назорат мухити;

-- Назорат тизимининг алохида воситалари.

Жамиятнинг ички назорат тизими тарифи қуйидагича:

Бухгалтерия ҳисобини олиб бориш тизими – бу бошланғич ҳужжатлар асосида Жамиятнинг мулки ва мажбуриятларини узлуксиз равишда акс эттирилиб борилиши методлари мажмуаси.

Назорат мухити - бу Жамият раҳбарияти томонидан ички назорат тизимини жорий қилиш, қўллаб қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган харакатлари, муносабатлари мажмуаси.

Ички назорат воситалари - бу Жамият раҳбарияти томонидан Жамият бўлимларида, участкаларида уларни самарали бошқариш мақсадида жорий қилинган, ўрнатилган ички назорат тизимининг таркибий қисмлари.

Жамиятнинг ички назорат тизими фаолиятига баҳо бериш мақсадида, белгиланган аудиторлик процедураларига мувофиқ холда қуйидаги тадбирлар ўтказилди:

Жамиятнинг ўрта поғонадаги менежерлари, ишчилари билан мулоқот ўтказилди. Жамият раҳбарлари билан мулоқот ўтказилди. Ҳужжатлар билан танишиш ўтказилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида Жамиятнинг ички назорат тизимига, унинг тўлалиги, аниқлиги ва бошқа кўрсатгичлари бўйича баҳо берилди.

Ўтказилган текшириш натижасида Жамият томонидан амалга оширилган хўжалик операциялари бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланганлиги ифода этилди.

***Тавсиф:***

Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига мос равишда бош бухгалтер раҳбарлигида юритилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг журнал-ордер шаклида 1С Бухгалтерия 8.2. программасидан фойдаланилган ҳолда юритилади. Бирламчи хужжатларни тузиш, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва хужжат айланмасини амалга ошириш тартиби «Хужжатлар ва бухгалтерия ҳисобида хужжатлар айланмаси тўғрисида»ги Низомга (Ўзб Рес АВ 14,01,2004 й. № 1297) мос келади.

Бухгалтерия ҳисобини кузатишлар натижасида Жамиятда вазифалар тақсимоти ва хисоб бўлимлари бўйича жавобгарлик белгиланганлиги аниқланди

Жамиятда бошқарув ва рахбар ходимлар хамда ҳисобнинг алоҳида бўлимлари ҳисобчиларини тез-тез алмашиш холлари йўқ. Бу Жамиятда ички назорат тизимини ижобий баҳоланишига замин яратади.

Ходимларнинг функционал мажбуриятлари шундай тақсимланганки, активларга алоқаси бор шахслар мазкур активларни ҳисоб-китобини олиб борувчи шахслар томонидан назорат қилиб борилади. Ҳисоб-китоб ва назорат функциялари етарли малакага эга ходимлар томонидан бажариб келинмоқда.

Жамиятда бош китоб ва айланма қолдиқли ведомость маълумотлари 1 С Бухгалтерия программасида шаклантирилади. Барча хўжалик муомалалари синтетик ҳисобнинг ҳисоб варақлари ва таҳлилий ҳисобварақлари бўйича ўз вақтида акс эттириб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС) № 1 "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"(МВда 26.07.1998йил № 17-07/86 сон билан тасдиқланган АВда 14.08.1998 йилда №474 сон билан рўйхатга олинган) асосан "Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус тамойилларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди... Янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект танлаб олган ҳисоб сиёсатини ушбу бандга мувофиқ молиявий ҳисобот биринчи марта эълон қилингунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтиб юридик шахс ҳуқуқини олган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай расмийлаштиради. Субъект танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин бўлган сиёсат ҳисобланади." Жамият ҳисоб сиёсатига эга эмас.

***Тавсиялар:***

1. *Жамият ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш.*

## II. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲОЛАТИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

### *2.1. Хусусий капитал ҳисоби аудити*

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2020 йил 1 январь ҳолатида жамият хусусий капитали таркиби қуйидаги қаторлардан иборат бўлган:

Стр 410 "Устав капитали" - 1 040 000,0 минг сум.

Стр 430 "Резерв капитали" – 1 617 316,63 минг сум.

Стр 450 "Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" – (-77 041,70) минг сум.

2020 йил давомида Жамият устав капитали миқдорига ўзгартиришлар киритилмаган.

Ҳисоб маълумотлари таҳлилига кўра Резерв капитали қолдиғи 8520 счетда акс эттирилган суммадан иборат у ўз ичига асосий воситалар қайта баҳолаш натижаларини ҳам олади. БҲМС №21 га кўра асосий воситалар қайта баҳолаш натижалари ҳар бир асосий воситалар кесимида 8510 счетда юритилиши зарур.

2020 йил якуни бўйича Давлат солиқ инспекциясига топширилган Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга кўра *–612 125.6* минг сўм фойда акс эттирилган, лекин ҳисоб регистрлари маълумотларига кўра Жамиятнинг 2020 йилги фаолияти *612 094,0* минг сўм зарар билан якунланган. Ҳисоб регистрлари ва Ҳисобот маълумотларининг солиштирма таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган.

*Минг сўм.*

| | Сатр коди | Ҳисобот маълумоти | Бош китоб маълумоти | Фарқлар |
|---|---|---|---|---|
| Махсулот сотишдан соф тушум | 010 | *2 939 754,00* | *3 445 412,00* | -505 658,00 |
| Сотилган махсулот таннархи | 020 | 575 450,00 | 0,00 | 575 450,00 |
| Ялпи фойда (010 – 020) | 030 | 2 364 304,00 | *3 445 412,00* | -1 081 108,00 |
| Давр харажатлари, шу жумладан: (050+060+070) | 040 | *1 599 147,00* | 2 702 859,00 | -1 103 712,00 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Сотиш харажатлари | 050 | 0,00 | 536 561,00 | -536 561,00 |
| Маъмурий харажатлар | 060 | *1 086 291,80* | 679 676,00 | 406 615,80 |
| Бошка операцион харажатлар | 070 | 515 855,20 | 1 486 623,00 | -970 767,80 |
| Асосий фаолиятнинг бошка даромаллари | 090 | 0,00 | 0,00 | 0,00 |
| Асосий фаолиятнинг фойдаси (030-040+090) | 100 | 765 157,00 | 742 553,00 | 22 604,00 |
| Молиявий фаолият даромадлари | 110 | 0,00 | 5 563,00 | -5 563,00 |
| Молиявий фаолият харажатлари | 170 | | 12 534,00 | -12 534,00 |
| Умумхўжалик фаолияти фойдаси | 220 | 765 157,00 | 735 582,00 | 29 575,00 |
| Фавқулодда фойда ва зарарлар | 230 | 0,00 | 0,00 | 0,00 |
| Солик тўлагунга кадар фойда | 240 | 765 157,00 | 735 582,00 | 29 575,00 |
| Фойда солиги харажати | 250 | 153 031,40 | 123 488,00 | 29 543,40 |
| Фойдадан тўланадиган бошка соликлар | 260 | 0,00 | 0,00 | 0,00 |
| Соф фойда | 270 | 612 125,60 | 612 094,00 | 31,60 |

Даромадлар ва харажатлар таркибида хисоботлар ва ҳисоб регистрлари суммалари орасидаги фаркларнинг асосий сабаби Жамият томонидан тўлаб бериладиган электр энергия харажатларини харидорлардан ундириладиган қисми ҳисоб регистрларида даромад ва харажатлар таркибида акс эттирилсада ҳисоботларда кўрсатилмаслигидир. Аудит электр энергия харажатларининг харидорлар томонидан қопланадиган қисмининг ҳисоби методикасини ишлаб чикиш ва Жамият ҳисоб сиёсатида акс эттиришни тавсия этади.

Жамиятнинг айланма сальдоли ведомостида кўрсатилган "Мақсадли тушумлар" 91 433,0 минг сум ўтган йилдан сальдо сифатида ўтган ва ҳисобот йилида ўзгармаган. Лекин 2018 йил учун топширилган Жамият балансининг "Мақсадли тушимлар" сатрида ўтган йилидан қолдиқ сифатида ўтган лекин йил охирида тузатиш киритилган (кўрсатилмаган). Жамият бухгалтерининг оғзаки маълумотга кўра бу сальдо 2010 йилдан ўзгаришсиз келаётган сальдодир. Аудитга ушбу сумманинг шаклланиш асосини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмади.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кура 2020 йил 31 декабрь холатида Жамият хусусий капитали таркиби қуйидаги қаторлардан иборат бўлган:

Стр 410 "Устав капитали" - 1 040 000,0 минг сум.

Стр 430 "Резерв капитали" - 1 617 316,6 минг сум.

Стр 450 "Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар)" –535 083,50 минг сум.

***Тавсиялар:***

1. *Резерв капиталининг таҳлилий ҳисобини 8510 ва 8520 счетларда алоҳида юритиш.*
2. *Асосий воситалар қайта баҳолаш натижаларини 8510 счетда асосий воситалар кесимида юритиш.*
3. *Ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни қайта тайёрлаш ва солиқ инспекциясига топшириш.*
4. *Баланснинг Мақсадли тушумлар қаторида кўрсатилган суммаларни мақсадини аниқлаштириш ва тегишли ишлатилишини акс эттириш.*

### *2.2. Асосий воситалар ҳисоби аудити*

**Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида**: БХМА №5 «Асосий воситалар», БХМА №19, «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тўғриси»да Низом, «Маҳсулот (иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғриси»да Низом, «Асосий воситаларни хар йили қайта баҳолаш тартиби тўғриси»да Низом ва ҳисобнинг шу бўлимига тааллуқли бўлган бошқа меъёрий хужжатлар хизмат қилади.

Жамиятда асосий воситаларнинг асосий воситаларнинг ҳисоби 1С Бухгалтерия программасида амалга оширилади.

Жамиятда шакллантирилган маълумотларга асосан Жамиятнинг Шайхантохур туман ДСИга тақдим қилинган балансида 01.01.2020 йилга асосий воситалар бошланғич қиймати 3 261 415,5 минг сўм, жамғарилган эскириш қиймати 639 724,4 минг сўм, қолдиқ қиймати 2 621 691,1 минг сўмни ташкил қилган. 31.12.2020 йилга асосий воситалар бошланғич 3 270 977,00 минг сўм, жамғарилган эскириш қиймати 694 505,8 минг сўм, баланс (қолдиқ) қиймати 2 576 471,2 минг сўмни ташкил қилган.

Жамият Вазирлар махкамасининг 2013 йил 11 октябрдаги №439 сонли "Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида" қарорига асосан кичик бизнес субекти сифатида таснифланади ва шу асосда 2020 йил 1 январ ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳолашни амалга оширмаган.

Жамиятда 2020 йил давомида асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда камайтирилган ҳисобланган, лекин жамият ҳисоб сиёсатига эга эмас ва амортитизация ҳисоблашнинг жамият томонидан қўлланилаётган нормалари тасдиқланмаган.

БҲМС 5 "Асосий восита" *30. Асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ сўндирилгунга қадар ёхуд бу объектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.*

*31. Асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ сўндирилган ёки бу объект балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасида тўхтатилади.*

*32. Асосий воситалар объектини фойдали ишлатиш муддати давомида амортизация ажратмаларини ҳисоблаш тўхтатилмайди, уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказиш, шунингдек уни буткул тўхтатиш шарти билан объектни қуриб битказиш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техник қайта қуроллантириш ҳолатлари бундан мустасно.*

*33. Асосий воситалар объектлари бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш ҳисобот давридаги корхона фаолияти натижаларидан қатъи назар амалга оширилади ва у дахлдор бўлган ҳисобот давридаги бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.*

Қуйидаги жадвалда амортизация ҳисоблашнинг жамият томонидан қўлланилаётган ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144 моддасида кўрсатилган нормалари бўйича солиштирма маълумотлар келтирилган:

| № | Асосий восита номи | Жамият қўллаётган норма | ЎзРес.СК да кўрсатилган нормалар |
|---|---|---|---|
| 1 | Здание АКБ | 1% | 3% |
| 2 | Трансформ. подстанция | 1% | 15% |
| 3 | "Миллий кийимлар" навес | 1% | 3% |
| 4 | Подпорная стенка | 2% | 5% |
| 5 | Шлагбаум в комплекте стоя | 1% | 5% |
| 6 | Автомошина "Ласетти" | 2% | 20% |
| 7 | Камера наблю. базара | 1% | 15% |
| 8 | Холодилник | 1% | 15% |
| 10 | 412 Магазин | 1% | 3% |

Ҳисобот даврида асосий воситалар таркибига кабул қилинган ва фойдаланишга топширилган асосий воситалар:

| № | Асосий воситалар номи | Қабул қилинган сана | Сони | Қиймати |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 32 канальный сетевой видеорегистратор | 14.11.2020 | 1 | 1 817 000,00 |
| 2 | 8 канальный сетевой IP видеорегистратор | 14.11.2020 | 1 | 848 000,00 |
| 3 | wifi router | 14.11.2020 | 1 | 489 000,00 |
| 4 | Купольная IP 1/2.7 4 MP встроенный микрофон | 14.11.2020 | 1 | 4 235 000,00 |
| 5 | Купольная антивандальная IP уголь 1/2,7MP | 14.11.2020 | 1 | 363 000,00 |
| 6 | Офисное кресло | 12.02.2020 | 1 | 850 000,00 |
| 7 | Стол бухгалтерский | 12.02.2020 | 1 | 2 000 000,00 |
| 8 | Стол приставной | 12.02.2020 | 1 | 300 000,00 |
| 9 | Стул для офиса на метал.Каркасе | 12.02.2020 | 1 | 90 000,00 |
| 10 | Стул на металл.полозьях полумягкий УЛ 221.04.00 | 10.10.2020 | 1 | 5 161 200,00 |
| 11 | Уличная IP камера IP·1/2.7 2MP объектив 3,6мм угол | 14.11.2020 | 1 | 10 890 000,00 |
| 12 | Шит 30x40 | 14.11.2020 | 1 | 900 000,00 |
| *Жами:* | | | 12 | 27 943 200,00 |

Ҳисобот даврида асосий воситалар таркибидан чиқарилган асосий воситалар:

| № | Асосий воситалар номи | Қиймати | Сони | Хисобдан чиқарилган сана |
|---|---|---|---|---|
| 1 | UPS 500, код: 113 | 45 000,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 2 | Компютер АМДК-7-1400в (1 комп), код: 111 | 680 000,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 3 | Canon LBP-1120, код: 116 | 196 765,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 4 | Компют комп PIV Ceteron10, код: 115 | 630 960,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 5 | UPS APS 500, код: 54 | 294 000,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 6 | Принтер LaserJet 1100, код: 57 | 722 520,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 7 | UPS APS 450, код: 68 | 294 000,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 8 | Принтер LaserJet 1100, код: 70 | 722 520,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 9 | Купюрасчетная машина, код: 72 | 676 529,45 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 10 | Купюрасчетная машина, код: 78 | 676 529,45 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 11 | Стуля Грация-2, код: 102 | 1 412 768,28 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 12 | Стол, код: 105 | 977 961,73 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 13 | Стул "Искандар", код: 137 | 780 000,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 14 | Кабинет Н-р Мал. "Альфа", код: 36 | 274 038,90 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 15 | Кабинет Н-р Б. "Элегант", код: 37 | 531 957,82 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 16 | Стол МТ-123, код: 38 | 401 349,92 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 17 | Кресло "Изо", код: 39 | 427 507,74 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 18 | Кресло "780 (черное)", код: 42 | 242 687,00 | 1,00 | 30.09.2020 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 19 | Кресло "Бостон-7 (чер)", код: 43 | 180 806,85 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 20 | Мягкая мебель "ОРИ", код: 45 | 417 864,72 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 21 | Сейф, код: 74 | 370 105,52 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 22 | Телуфон сотов. Нокия 6120, код: 103 | 449 978,41 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 23 | Пожарные шиты, код: 112 | 1 858 935,31 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 24 | Конд-нер BEKO з-л 100/101, код: 122 | 967 995,57 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 25 | Электрочайник "PHILIPS", код: 151 | 233 000,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 26 | Пылесос, код: 152 | 364 000,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 27 | Ящик турникетный, код: 19 | 97 203,69 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 28 | Торговые весы, код: 30 | 793 580,95 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 29 | Холодильник кристал 408, код: 50 | 401 730,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 30 | Телевизор Daewoo DMA 2049, код: 51 | 555 880,50 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 31 | Видсомаг-н Daewoo D-4581D, код: 52 | 346 185,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 32 | Пылесос V-3913DV, код: 53 | 173 492,50 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 33 | Противопожарный щит, код: 65 | 633 867,83 | 1,00 | 30.09.2020 |
| 34 | Копироваль. аппарат, код: 79 | 550 000,00 | 1,00 | 30.09.2020 |
| | Жами | 18 381 722,14 | | |

***Тавсиялар:***

1. *Фойдаланишдаги барча асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш.*
2. *Жамият ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва унда асосий воситаларга қўлланиладиган эскириш нормаларини тасдиқлаш.*

### *2.3. Узок муддатли инвестициялар хисоби аудити*

2020 йил 01 январь ва 31 декабрь ҳолатида Жамият балансида узоқ муддатли инвестициялар 41054,3 минг сўм микдорида кўрсатилган лекин айланма – қолдик ведомости маълумотларида 38 605,2 минг сўм кўрсатилган.

0600 «Узоқ муддатли инвестициялар» счетининг тахлилий ҳисоби маълумотларидан қуйидаги инвестициялар борлиги аниқланди:

| Инвестицилар номи | 01.01.2020 Холатига колдик | 2020 йил давомида узгариш | 31.12.2020 Холатига колдик |
|---|---|---|---|
| Ипотека Банк Мехнат филиали | 2 723 200 | | 2 723 200 |
| АЖ "Тошкент Қ/Х махсулотлари улгуржи бозори" | 22 400 000 | | 22 400 000 |
| "Элга хизмат тошкент улгуржи" МЧЖ | 13 482 000 | | 13 482 000 |
| *Жами* | *38 605 200* | | *38 605 200* |

### *2.4. Товар моддий бойликларини хисоби аудити*

**Ушбу бўлим учун хуқуқий база бўлиб қуйидагилар киради:** 4-БХМС, 21-БХМС, 19-БХМС, "Махсулот(иш,хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом", "Инвентаризация натижасидан аниқланган камомад ва ортиқчаликни бухгалтерия хисоби ва солиққа тортиш тўғрисида Низом", "ТМЗларни олишда ишончномаларни бериш расмийлаштириш Тартиби"ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларлар.

***Молиявий ҳисоботларда акс эттириш:***

Жамият баланси маълумотларига кўра 2020 йил 1 январ холатида товар моддий захираларнинг колдиғи 20 202,00 минг сўмни, 2020 йил 31 декабрь ҳолатида 73 300 минг сўмни ташкил қилган ва Бухгалтерия маълумотларига хосдир.

Товар моддий захиралари тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилган моддий жавобгар шахслар кесимида ҳисобга олиб борилади.

Материаллар счетларининг синтетик ҳисоб маълумолари таҳлили:

| Счет номери | Счет номи | 2020.01.01 ҳолатида сальдо | Кирим | Чиқим | 2020.31.12 ҳолатида сальдо |
|---|---|---|---|---|---|
| 1010 | Материаллар | | 15 139 999,99 | | 15 139 999,99 |
| 1030 | Ёқилғи мойлаш материаллари | 0,00 | 0 | 0 | 0 |
| 1080 | Инвентар ва офис жихозлари | 1 373 394,28 | 14 190 000,00 | 6 600 000,00 | 8 963 394,28 |
| 1090 | Бошқа материаллар | 18 828 685,00 | 37 473 397,09 | 7 105 367,57 | 18 828 685,00 |

Жамиятда берилган ишончномаларни рўйхатга олиш дафтари юритилади. Ишончномаларни рўйхатга олиш дафтари "ТМЗларни олишда ишончномаларни беришни расмийлаштириш Тартиби" тўғрисидаги низомга мувофиқ юритилган ва барча реквизитлар тўлдирилган. 2020 йил давомида 22 та ишончнома ёзилган. Барчаси бўйича тегишли операциялар амалга оширилган ва жавобгар шахслар имзолари қўйилган.

Шунингдек, бухгалтерия маълумотларига кўра жамият ходими Нигмаджанов Махмуджон Махамадалиевич берилган кохона пластик картоси орқали бензин харид қилинган . жавобгар шахсларга чиқарилган бунаклар 4790 счетида олиб борилиши керак.

Адлия Вазирлиги томонидан 11.02.2015 й. 1470-1-сон билан рўйхатга олинган "Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ" га кўра корпаратив карталар орқали харид қилинган тавор-моддий бойликларни моддий жавобгар шахс томонидан аванс хисоботлари орқали кирим қилиниши ва белгиланган тартибда Корхона эхтиёжлари учун ишлатилиши расмийлаштирилиши керак. Уларнинг бухгалтерия хисоби бўйича ўтказмалари БҲМС №21 асосида акс эттирилиши керак.

Корхонада 1470-1-сон Низом ва БҲМС №21 га амал қилмаган.

Материаллар ишлатилиши бўйича тарқатиш ведомостлари, ҳисобдан чиқариш далолатномалари расмийлаштирилган, лекин моддий жавобгар шахслар томонидан ойлик асосда материал ҳисоботлари топширилмаган.

***Тавсиялар:***

1. *Моддий жавобгар шахслар томонидан ойлик асосда материал ҳисоботлари топширилишини назорат қилиш.*
2. *Йўл – варақаларида спедометр кўрсаткичларини акс эттириш ва ёқилғи – мойлаш материалларининг норма бўйича ишлатилишини назорат қилиш.*
3. *Корпараив карточкалар ҳисобини 4290 счетида олиб бориш. Корпараив карточкалар орқали тавор-моддий бойликлар жавобгар шахсларнинг аванс ҳисоботлари орқали тегишли счетларга кирим қилиниши. 4290 счетини бошқа счетлар билан боғлида* БҲМС №21 амал қилиш.



Бош директор: Файзиева М.Т. малака сертификати № 04490. 18.12.2008 йилда УзбРМВ.
(муддати 2022 йил 18 декабргача узайтирилган)
Аудитор: Бердиев Ф.В. – малака сертификати № 05160. 12.10.2013 йилда ЎзбРМВ
(муддати 2023 йил 12 октябргача узайтирилган)

### 2.5. Пул маблағлари ҳисоби аудити

***Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида***: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 17 декабр 1998 йилда 565-сон билан руйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш коидалари», БХМС 15, БХМС 22, пул маблағларини ҳисобга олиш тартибини белгиловчи бошқа меъёрий хужжатлар хизмат қилади.

***Кузатиш:***

Жамиятда накд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун алоҳида хона мавжуд. Барча маблағлар тегишли тартибда жиҳозланган сейфда сақланади. Накд пуллар кирими касса кирим ордерларига асосан, чиқими эса ведомостлар ва тегишли буйруклар ва бошқа тегишли хужжатлар илова қилинган касса чиқим ордерларига асосан амалга оширилади. Текшириш давомида касса дафтари бетланиб, тикилиб, мухрлангани аниқланди. 2019 йил давомида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар мақсадида кассага жами 398 964 875,98 сўм пул маблағлари хизмат кўрсатувчи банкдан олинган ва ходимларга тарқатилган. Кирим ва чиқим ордерлари тегишли тартибда расмийлаштирилган, чек дафтарчаси тўлдирилган. 2019 йил 31 – декабрь ҳолатита касса қолдиққа эга бўлмаган.

Кассага иш ҳақи, моддий ёрдам пенсия ва ходимларга тўлаш мақсадларида олиб келинган накд пуллар тўлов ведомостлари орқали тарқатилган.

Жамият АТИБ “Ипотека банк” нинг Шайхонтохур филиалида (№20208000003965521001 МФО:00423) ҳисоб китоб счетига эга.

Аудитга тақдим қилинган барча банк кўчирмалари ойлик асосда алоҳида папкаларда хронологик тарзда тикилган ва барча операциялар бўйича тасдиқловчи дастлабки хужжатлар – счет фактура, бажарилган ишлар ҳақида далолатномалар бор ва мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб китоб ҳужжатларида жамият раҳбариятининг дасдиқлари қўйилган.

Банк счети операциялари танлов асосида текширилди ва бухгалтерия маълумотлари ва банк кўчирмаси маълумотлари орасида фарқлар аниқланмади. Операциялар 5110 “Ҳисоб-китоб счёти” счетининг таҳлилий карточкасида тўғри акс эттирилган. Барча қолдиқлар банк кўчирмалари билан тасдиқланган. Жамият ҳисоб китоб счетида 2020 йил 1 январь ҳолатида 12 243,69 минг сум 2020 йил 31 декабрь ҳолатида 6 234,27 минг сум пул маблағлари бўлган.

Аудит қилинаётган даврда хизмат сафари бўйича ҳисоб китоб ва тўловлар амалга оширилмаган.

### 2.6. Ҳисоб-китоб-тўлов тартибини аудити

***Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида:*** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йилдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вактида амалга оширилиши учун рахбарларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг меъёрий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий хужжатлар хизмат қилади.

Қарздорликнинг аналитик ҳисоби тегишли ҳисоб варақларда хар бир тузилган шартномаларлар бўйича олиб борилади.

Жамият балансида дебиторлик қарзлари 31.12.2020 йил ҳолатига 750 860,50 минг сўм миқдорида кўрсатилган. Шу жумладан:

- Бошқа дебиторлик қарзлар – 35 140,20 минг сўм.

- Харидор ва буюртмачиларнинг қарзлари –236 272,50

- Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган аванслар – 514 588,00

Ҳисоб регистрлари маълумотларига кўра дебитор қарзлар таркиби қуйидагича бўлган:

- Харидор ва буюртмачиларнинг қарзлари – 3 070 005,98 сўм;

- Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган аванслар – 937 784,59 сўм;

- Солиқлар бўйича бюджетга аванс тўловлари – 28 968,97 сўм;

Шунингдек счетда акс эттирилган қарздорликнинг асосий қисми бўйича 90 кунлик муддат ўтганлиги аниқланди.:

| | |
|---|---|
| Нуритдинова Луиза Гулямовна | 43 841 892,00 |
| Захидов Мирхосил Мирзиятович | 9 432 000,00 |
| Нуритдинов Сирожиддин Зияутдинович | 19 599 995,00 |
| Кобилжонов Нодиржон Нозим угли | 8 555 000,00 |
| Акрамов Баходир Зафарович | 8 520 000,00 |
| Яквалходжаева Гулнора Талатовна | 3 275 000,00 |
| Джанизаков Рузимурад Исмаилович | 3 210 000,00 |
| Мухаммадали Саидахмад Махмуджон угли | 52 210 000,00 |
| Едгорова Азиза Ахад кизи | 51 680 000,00 |
| Махкамова Мавлуда Абдурахимова | 10 050 000,00 |
| Мирзаева Флюра | 2 064 102,86 |
| Абдумажитова Дилором Эргашевна | 4 737 575,29 |
| Сулаймонов Б.Д. | 6 087 965,31 |
| Гайбуллаев С.С. | 2 052 000,01 |
| 575456258: Буланходжаева Дилноза Аноровна (туалет д/м) | 14 684 172,60 |
| 590282310: Абдуллахужаев Абдулазиз Ботир угли (идора) | 3 476 227,16 |

Аудит муддати ўтган дебиторлик қарзлари суммасини ундириш чораларини кўришни тавсия этади.

Жамиятда асосий фаолияти бўйича аренда ва комунал тўловлар бўйича пайдо бўладиган дебитор қарзлар ҳисоби 4010 "Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счетлар" счетида юритилган, лекин баланснинг 310 "Бошқа дебиторлик қарзлар" қаторида кўрсатилган.

Жамият комунал тўловларини қоплаш учун ижарачилардан оладиган маблағларини хисоб варақларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 22 мартда 2439 рақами билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ Қўмитаси қарори 3 Иловасига асосан ва бухгалтерия хисобида акс эттиришда БҲМС №21 «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасини қўллаш бўйича «ЙЎРИҚНОМА»га асосан амалга оширади. 2439 Қарорга асосан Ижарага берувчи ҚҚС тўловчи бўлмаса ҳам ҚҚС солиғини хисоб-фактураларида алохида устунда қопланадиган комунал тўловлари суммасидан алохида акс эттиради. "ЙЎРИҚНОМА"га кўра эса Комунал тўловлар хисобланган вақтда 4890 "Бошқа дебитор қарздорлик" счетида ва 6990 "Бошқа мажбуриятлар" счети билан боғланган холда акс эттирилади.

Ижарачилар томонидан тўланадиган фойдаланилган электр энергиясини қоплаш учун тўловлар Жамиятнинг даромадига кирмайди. Жамият бухгалтерия документлари 90.30 счети

Электр энергиядан даромад қисмида акс эттирилган 430 843 474,08 сўм даромад сифатида кўрсатилмаслиги керак.

БҲМС №21 «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия хисоби счётлар режасини қўллаш бўйича ЙЎРИҚНОМА»нинг 207 пунктига мувофик 4820 «Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар» счётида шартномага мувофик асосий фаолиятнинг бошка дарамади ҳисобланадиган ва 9350 «Оператив ижарадан даромадлар» счетида акс эттириладиган даромадлар олинадиган ижара тўловлари ҳисобга олинади. Асосий фаолият бўйича вужудга келадиган олинадиган счетлар ЙЎРИҚНОМАнинг 171 ва 173 пунктларига мувофиқ 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счетида акс эттирилиши зарур. Мол етказиб берувчи ва хизмат курсатувчи ташкилотлар буйича вужудга келадиган операцияларни ЙЎРИҚНОМАнинг 186 ва 187 пунктларига мувофик 4310 "ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" счетида акс эттирилиши зарур.

*171. 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" счётида сотилган маҳсулот (товар)лар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун харидорлар ва буюртмачиларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича дебиторлик қарзлари ҳисобга олинади.*

*173. Олинадиган счётлар (4000) асосий (операцион) фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000), асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар (9200) ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар (9300) билан боғланган ҳолда харидор (буюртмачи)ларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги суммага дебетланади.*

*207. 4820 "Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар" счётида шартномага мувофиқ ижара бўйича олинадиган ижара тўловлари ҳисобга олинади. Ижара тўловлари ҳисобланганда 4820 "Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар" счёти 9350 "Оператив ижарадан даромадлар" счёти билан боғланган ҳолда дебетланади. Ижара тўловларининг келиб тушиши 4820 "Оператив ижара бўйича олинадиган тўловлар" счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.*

*186* Товар-моддий захиралар ва бошқа активларни етказиб бериш, шунингдек иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4310 "ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар";

4320 "Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар";

4330 "Бошқа берилган бўнаклар".

187. Берилган бўнаклар суммаси, шунингдек кисман тайёр ҳолдаги товарлар, иш ва хизматлар учун тўланган суммалар 4310 "ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар", 4320 "Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар", 4330 "Бошқа берилган бўнаклар" счётларининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўнаклар мол етказиб берувчилар ва корхона ўртасида тузилган шартнома ёки контракт асосида берилади. Айрим ҳолларда, қисман бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома бўлиши мумкин. Бунда тўлов топширикномаларида қисман тўлов миқдори ёки олдиндан тўлов фоизи кўрсатилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (4300) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича юритилади.

Жамият балансида кредиторлик қарзлари 31.12.2020 йил ҳолатига 3 969 348,93 минг сўм миқдорида кўрсатилган. Шу жумладан:

Бюджетга тўловлар бўйича карз – 573 877,8 минг сўм;

Бошқа кредиторлик қарзлар – 91 866,08 минг сўм.

Қисқа муддатли қарзлар – 1 293 267,00 минг сўм.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар оллидаги карздорлик 6010 счетда юритилган бўлсада баланснинг бошқа кредитор қарздорлик бўлимида кўрсатилган.

Харидор ва буюрмачилар билан ҳисоб китобларда пул тушумлари ва ёзилган счет фактуралар суммаларининг шартномалар кесимидаги аниқлиги тўлик таъминланмаганлиги сабабли 6310 счетда 2 939 630,57 минг сўмлик, 4010 счетида эса 3 070 005,9 сальдо шаклланган, бу сумма балансда Бошқа кредиторлик қарзлар счетида акс эттирилмаган.

Жамият балансида 4010 "Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счетлар" ва 6310 "Харидор ва буюртмачилардан олинган - аванслар" счетлари ўзаро сальдолантирилган ҳолатда акс эттирилган. БҲМС ларга мувофик активлар ва пассивлврни ўзаро қоплаш мумкин эмас.

***Тавсиялар:***

1. *Жамият асосий фаолияти билан боғлиқ барча харидорларнинг қарзларини баланснинг 220сатрида акс эттириш.*
2. *Жамият дебитор ва кредитор қарзларини ўзаро салдолантирмаслик.*
3. *Муддати утган дебитор қарзларни ундириш чораларини кўриш.*

***2.7. Ходимлар билан мехнат хаки юзасидан ҳисоб-китобларни аудити.***

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида куйидаги меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади:

- Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирининг 01.04.2002 йилги 21-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 08.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатга олинган «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 11.03.1997 йилги 133- сонли карори билан тасдиқланган «Ўртача ойлик иш хақини ҳисоблаш тартиби».

- Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 06.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатга олинган «Ягона ижтимоий тўлов, давлат социал суғуртасига мажбурий ажратмалар ва бадалларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида»ги Низомлар хизмат қилади.

Жамиятда ходимларни ишга кабул қилиш мехнат шартномалари ва у имзолангандан кейин рахбарнинг ходимни ишга қабул килиш тўғрисидаги буйруғи билан расмийлаштирилади. Ишчилар буйруқ билан таништирилганлар. Хар бир ишчига Т-2 шаклдаги шахсий карточка очилган. Ишчиларнинг лавозим жадвалари тасдиқланган.

Ишчиларга иш хақи тўлаш тариф ставкалари ва лавозим жадвалларига асосан амалга оширилади. Вактбай усулда хақ тўлаш қўлланилади. Вактбай ишчиларга хар ойда Т-13 шаклдаги иш вақтини ҳисобга олиш табеллари юритилмокда. Ходимларга хисобланадиган мукофот, моддий ёрдам ва бошқа ҳисоблашлар жамият рахбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Жамиятда 2019 йил давомида ходимларга куйидаги турдаги ҳисоблашишлар амалга оширилган:

Лавозим оклади - 538 123 922,72 сўм.

- Таътил хаки – 11 992 618,66 сўм.
- Қўшимча хак 100 105 139,09 сўм.
- Моддий ёрдам (Льготный) – 9 561 476,5 сўм.
- Моддий ёрдам - 25 153 890,00 сўм
- Фойдаланилмаган таътил учун компенсация –7 305 150,18 сўм.
- Мукофот пуллари 220 272 172,00 сўм.
- Хомидорлик учун таътил- 4 460 000,00 сўм
- Ишдан бўшаш вақтидаги компенсация тўловлари- 348 401,62 сўм
- Фарзанд туғилганда бериладиган нафақа- 2 066 880,00 сўм

Жамиятда таътил ҳакининг ҳисоб китоблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 11.03.1997 йилдаги 133- сонли карори билан тасдиқланган «Ўртача ойлик иш хакини хисоблаш тартиби» қоидаларига мос равишда амалга оширилган. Ўтказилган танлаб текширув натижаларида таътил ҳақларини ҳисоблашда хатоликлар аниқланмади.

## *2.8. Даромадлар ҳисоби аудити*

Хисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида:

Солик Кодекси; Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 фефралдаги 54 – сонли қарорига илова «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўгрисида НИЗОМ», 2 - сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар» хизмат қилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларида 2020 йилда олинган асосий фаолиятнинг даромадлари 2 939 754,00 минг сум миқдорида кўрсатилган. Бухгалтерия маълумотларида 3 445 412 007,01сўм миқдорида даромад кўрсатилган. Даромадлар хисобваракларининг таҳлилий хисоб маълумотлари ўрганиб чикилганда даромад турлари қуйидагича эканлиги аниқланди:

Ижара ҳаки – 561 004 685,66 сўм;

Электр энергия йўқотишлар ўрни қопланиши – 73 287 703,73сўм;

Коммунал хизматлар – 1 308 998 507,48сум;

Электр энергиядан даромад – 415 971 294,54

Жами - 1 896 094 020,00 сўм.

9030 “Хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар” счети даромад турлар бўйича юритилган бўлиб унинг таркибида 489 258 998,27 сўм миқдорида электр энергия сарфининг харидорлардан ундириладиган миқдори ҳам акс эттирилган. Жамиятда электр энергия сарфининг хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланадиган миқдорилари аниқлаштирилмаган ва натижада баъзи ойларда электр энергия учун ҳақиқатда тўланган суммалардан харидорлардан ундирилган суммалар ошиб кетган. Бу ҳолат Жамият қўшимча даромад шаклланишига олиб келади. Аудит Жамият электрик ва техник ходимларидан иборат гурух ташкил қилиб Жамиятнинг хўжалик эҳтиёжларида фойдаланиладиган электр энергия миқдорини баҳолаб жамият харажатларига киритишни тавсия этади.

Олинган счет фактуралар бўйича электр энергия харажатларининг умумий суммаси харажатлар таркибига киритилган, лекин молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда электр энергиянинг харидорлар томонидан қопланадиган қисми даромадлар таркибида ҳам харажатлар таркибида ҳам акс эттирилмайди. Аудит электр энергиянинг харидорлар томонидан қопланадиган қисми ҳисобини юритиш методикасини ҳисоб сиёсатида акс эттириш, 9030 счетдан фойдаланмасликни тавсия этади.

## *2.9. Харажатлар аудити*

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларига кўра жамиятда маъмурий харажатлар 2 702 859,17 минг сум, фоизлар бўйича харажатлар 12 534,31 мнг сўм ва солиқлар бўйича харажатлар 123 487,5 минг сумни ташкил қилган.

Ҳисоботда давр харажатлари Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 фефралдаги 54 – сонли қарорига илова «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ»га мувофиқ классификация қилинмаган.

Ҳисоб регистрлари маълумотига кўра жамият харажатлари таркиби қуйидагича бўлган:

Маъмурий харажатлар

| *Харажатлар номи* | *Сумма* |
|---|---|
| Зарплата | 495 003 850,74 |
| Прочие расходы | 1 784 000,00 |
| Соц. страхованию | 120 245 593,60 |
| Услуга интернет WiFi | 4 312 819,07 |
| Услуги аудиторск.проверка | 5 982 608,70 |
| Услуги сот.связи | 143 308,40 |
| Услуги тел.узел | 85 916,52 |

Бошқа операцион харажатлар:

| | |
|---|---|
| <> | 1 806 468,00 |
| Автостоянка | 13 434 783,43 |
| Банковские услуги | 12 977 833,05 |
| Гос.стандарт водомера | 772 962,00 |
| за пользование вод.ресус | 1 324 980,00 |
| За регистрация ключа ЭЦП | 22 000,00 |
| за электрон.сч.фактуру | 5 775,00 |
| Зарплата | 421 970 518,41 |
| земельный налог | 115 824 003,70 |
| Износ ОС | 72 721 080,87 |
| Монтажно наладочные работы | 150 146 629,00 |
| налог имущества | 15 427 122,32 |
| налог НДС 15% | 171 418 811,60 |
| Перезарядка огнетушителей | 3 440 000,00 |
| Размещение обьявления | 1 247 296,00 |
| ремонт кабеля | 9 834 778,43 |
| ремонт пож.сигнализации | 13 500 000,00 |
| Соц. страхованию | 105 492 629,62 |
| Услуги веб-сайта | 4 500 000,00 |
| Услуги вода и канализ. | 56 607 580,00 |
| Услуги вывоз ТБО | 21 572 244,80 |
| Услуги охраны | 160 237 648,00 |
| Услуги тел.узел | 794 274,79 |
| Услуги формир.и печать ЦБ | 1 012 420,00 |
| Услуги электроэнергия | 717 590 246,58 |

***Тавсиялар:***

*I. Давр харажатларини Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 фефралдаги 54 – сонли қарорига илова «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ»га мувофиқ классификация қилиш.*

## III. МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПАЙТИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

Мехнат қонунчилигига риоя қилинишини асосий тамойилларини танлама усулида текширилганда корхонада қонун бузилиш холлари аниқланмади.

Солик қонунчилигига амал қилиниши бўйича қонунбузилиш холлари аниқланмади.

Адлия вазирлиги томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари» , пул маблағларини хисобга олишни тартибга солувчи бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларга амал қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.1999 йилги «Мехнат хақи юзасидан ҳисоб китобларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан министрликлар идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги карори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмокда. Жамиятда асосий иш жой Жамият хисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилган. Халқ банкига хар ойда маблағлар ўтказиб келинган.

## VI. БЮДЖЕТГА СОЛИҚЛАРНИ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ЖАМҒАРМАЛАРГА АЖРАТМАЛАРНИ ҲИСОБЛАНИШИ ВА ТЎЛАНИШИ АУДИТИ

Давлат бюджетига солиқларни ва бошқа мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш учун меъёрий база сифатида Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси хизмат қилади.

### *4.1 Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия фондига мажбурий сугурта бадаллари*

Жамиятда ягона ижтимоий тўлов ва фукароларнинг бюджстдан ташқари пенсия фондига мажбурий сугурта бадаллари солиқ кодексининг 305 – 315 моддалари ва Молия Вазирлиги ва Солиқ Қўмитасининг Адлия Вазирлигидан 2010 йил 13 – апрелда № 2095 сон билан рўйхатдан ўтган "Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги" низом қоидаларига мувофиқ ҳисобланган.

Ягона ижтимоий тўловнинг ҳисоб – китоби

*сўм*

| Кўрсаткичлар | Маълумотлар: | | Фарқлар |
|---|---|---|---|
| | Жамият | Аудит | |
| ЯИТ ҳисобланадиган база | 916 974 369,15 | 916 974 369,15 | - |
| Ставка | 25% | 25% | - |
| ЯИТ суммаси | 225 738 223,22 | 229 243 592.28 | - |

ДСИ га топширилган ҳисоботларда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси иш ҳақи фонди таркибига киритилган ва солиқ базасидан чегириб ташланган. СК га мувофиқ вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари таркибига киритилади ва ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоботида акс эттирилмаслиги зарур.

### *4.2. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи*

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушланишининг тўғрилиги танлаб текшириш асосида амалга оширилди.

Жамиятда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисобланиши ва тўланиши солиқ кодексининг 167 – 196 моддаларига асосан амалга оширилади.

Жамиятда даромад солиғи ҳисоб китоби танлаб текшириш асосида таҳлил қилинганда фарқлар аниқланмади:

| № | ФИО | Даромад солиғи базаси | ДС Жамият | ДС Аудит | Фарқ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Эшанкулов Умид Абдувахабович | 46 007 914,80 | 5 520 949,78 | 5520949,776 | 0,0 |
| 2 | Султанов Мухаммадали Абдувалиевич | 41 770 944,00 | 5 012 513,28 | 5 012 513,28 | 0,0 |
| 3 | Хужаяров Рустам Нематович | 25 803 576,53 | 3 096 429,18 | 3 096 429,18 | 0,0 |
| 4 | Тошпулатов Даврон Бахтиярович | 36 524 694,00 | 4 038 135,37 | 4 038 135,37 | 0,0 |
| 5 | Захидов Мирхосил Мирзиятович | 12 859 089,06 | 1 543 090,69 | 1 543 090,69 | 0,0 |

### *4.3. Фойда солиғи ҳисоби.*

Жамиятда фойда солиғининг хисобланиши ва тўланиши Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 294 - 363 моддаларига асосан амалга оширилади.

Фойда солиғи ҳисоб китобининг таҳлили:

| № | Кўрсаткичлар | Ҳисобот кўрсаткичлари | Аудит кўрсаткичлари |
|---|---|---|---|
| 1 | Жами даромадлар | 2 939 754,00 | 2 956 153,00 |
| 2 | Харажатлар | 2 174 597,00 | 2 393 828,00 |
| 3 | Чегирилмайдиган харажатлар | 0 | 0 |
| 4 | Солиқ солинадиган фойда | 765 157,00 | 562 325,00 |
| 5 | Имтиёзлар - жами | 0,00 | 0,00 |
| 7 | Солиқ базаси | 765 157,00 | 562 325,00 |
| 8 | Фойда солиғининг белгиланган ставкаси, фоизда | 0,15 | 0,15 |
| 9 | Фойда солиғи суммаси – жами | 114 773,55 | 84 348,75 |
| 10 | Фойда солиғининг бюджетга тўланиши лозим бўлган жами суммаси | 114 773,55 | 84 348,75 |

Солик агентлари томонидан тўлов манбаида ушлаб колинадиган дивидендлар ва фоизлар кўринишида тўланадиган даромадлардан олинадиган солик хисоб-китоби урганилганда хисоб китобини тўлдиришда хатоликка йўл қўйилган. Аудит ушбу ҳисоб китобни тўлдиришда солиқ ҳисоботларини тўлдириш қоидаларига амал қилишни тавсия этади.

### *4.4. Қўшилган қиймат солиғи ҳисоби*

Жамиятда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 237 - 282 моддалларига асосан амалга оширилади.

Аудит томонидан солиқ солиш объекти хамда солиқ солиш базаси, ҳисобга ўтказилиши лозим бўлган солиқ суммаси текшириб чиқилди.

Қўшилган қиймат солиги хисоб китоби таҳлили:

| № | Кўрсаткичлар | Ҳисобот кўрсаткичлари | Аудит кўрсаткичлари |
|---|---|---|---|
| 1 | Автотурагоҳдан олинган даромад | 182 187 336,00 | 182 187 336,00 |
| 2 | Мол-мулкни оператив ижарага бериш олинган даромад | 561 004 685,66 | 561 004 685,66 |
| 3 | Комунал тўловлардан олинган даромад | 1 308 998 507,48 | 1 308 998 507,48 |
| 4 | Ижара ҳуқуқи сотилишидан даромад | 902 586 530,00 | 902 586 530,00 |
| 5 | ҚҚСдан озод қилинадиган айланмалар | 0 | 0 |
| 6 | Солиқ солиш базаси | 2 939 754 059,14 | 2 954 777 059,14 |
| 7 | Товарларни (хизматларни) реализация қилиш обороти бўйича ҚҚС суммаси | 353 889 109,89 | 443 216 558,8 |
| 8 | Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси ҳисоб-китоби учун фойдаланиладиган олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси | 123 504 935,20 | 123 504 935,20 |
| 9 | Ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси | 123 504 935,20 | 123 504 935,20 |
| 10 | Ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммаси | 0 | 0 |
| 11 | Бюджетга тўлананиши (камайтирилиши) лозим бўлган ҚҚС суммаси, жами | **230 384 174,69** | **319 711 623,6** |

Қўшилган қиймат солиги ҳисоб китоби таҳлил қилинганда ҳисоботлардаги солиқ базаси ва хисобланган солиқ суммалари жамият бухгалтерия хисобида акс эттирилган рақамлардан фарқ қилади.

## V. АКТИВЛАРНИНГ БУТЛИГИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

Жамиятда инвентарлашни ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисоби миллий стандарти "Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш" 19-сонли стандарти асосида ўрганилганда:

Йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, йиллик молиявий ҳисоботни тузиш олдидан, инвентарлаш ҳисобот йилининг 1 октябридан кечиктирмай ўтказиладиган мол-мулкдан ташқари;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 28.08.98 йилда 486-сон билан рўйхатга олинган "Товар-моддий захиралар" деб номланган 4-сон БҲМСга биноан товар-моддий захиралар бир йилда камида бир марта;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 23.09.98 йилда 491-сон билан рўйхатга олинган "Асосий воситалар" деб номланган 5-сон БҲМСга мувофиқ асосий воситалар икки йилда камида бир марта;

Пул маблағлари, пул ҳужжатлари, бойликлар ва қатъий ҳисобдаги бланклар ойда бир марта, ёнилғи-мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари - ҳар чоракда инвентарлаш белгиланган.

Жамиятда товар моддий захиралар 2020 йилда йиллик хисобот тузилишидан аввал инвентаризациядан ўтказилмаган.

## ЯКУНИЙ ҚИСМИ.

Аудиторлик текшируви натижасида аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича тавсиялар ва молиявий хўжалик фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар:

- ✓ *Жамият ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш.*
- ✓ *Резерв капиталининг таҳлилий ҳисобини 8510 ва 8520 счетларда алоҳида юритиш.*
- ✓ *Асосий воситалар қайта баҳолаш натижаларини 8510 счетда асосий воситалар кесимида юритиш.*
- ✓ *Ҳисоб регистрлари маълумотлари асосида Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни қайта тайёрлаш ва солиқ инспекциясига топшириш.*
- ✓ *Баланснинг Мақсадли тушумлар қаторида кўрсатилган суммаларни мақсадини аниқлаштириш ва тегишли ишлатилишини акс эттириш.*
- ✓ *Фойдаланишдаги барча асосий восцталарга эскириш ҳисоблаш.*
- ✓ *Жамият ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва унда асосий воситаларга қўлланиладиган эскириш нормаларини тасдиқлаш.*
- ✓ *Моддий жавобгар шахслар томонидан ойлик асосда материал ҳисоботлари топширилишини назорат қилиш.*
- ✓ *Йўл – варақаларида спедометр кўрсаткичларини акс эттириш ва ёқилғи – мойлаш материалларининг норма бўйича ишлатилишини назорат қилиш.*
- ✓ *Фойдаланишдаги инвентар ва офис жиҳозларининг ҳисобини балансдан ташқари 014 "Фойдаланишдаги инвентар ва офес жиҳозлари" счетида юритиш.*
- ✓ *Жамият асосий фаолияти билан боғлиқ барча харидорларнинг қарзларини баланснинг 220сатрида акс эттириш.*
- ✓ *Жамият дебитор ва кредитор қарзларини ўзаро салдолантирмаслик.*
- ✓ *Муддати утган дебитор қарзларни ундириш чораларини кўриш.*
- ✓ *Давр харажатларини Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 фефралдаги 54 – сонли қарорига илова «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ»га мувофиқ классификация қилиш.*

Аудиторлик текшируви давомида аниқланган камчиликларни тўғирланганлигини ҳисобга олиб АЖ « Чорсу Буюм Савдо Комплекси»ни молиявий ҳисоботида унинг молиявий аҳволини ишончли тарзда акс эттирилганлиги тасдиқланади. 2020 йил давомида амалга оширилган хўжалик муомилалари Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги амалдаги қонунчилигига мос келади.

**Бош директор** **М.Т.Файзиева**

**Аудитор** **Ф.В.Бердиев**

*Ҳисобот 2021 йил 13 апрельда тузилди*

*Буюртмачи вакили:*

*"___" __________ 20__ г. ____ нусхада олдим.*

*(лавозими) (имзо) ФИО*



*Бош директор: Файзиева М.Т. – малака сертификати № 04490. 18.12.2008 йилда УзбРМВ.*
*(муддати 2022 йил 18 декабргача узайтирилган)*
*Аудитор: Бердиев Ф.В. – малака сертификати № 05160. 12.10.2013 йилда ЎзбРМВ*
*(муддати 2023 йил 12 октябргача узайтирилган)*